


КУЙДИРГИ КАСАЛЛИГИДАН ОГОХ БЎЛИНГ




Куйдирги касаллиги-зооантрапоз касаллик бўлиб одамлар ва хайвонларда учрайдиган ўта хавфли ва юқумли касалликдир.

Касаллик қўзғатувчиси-тупроқ инфекцияси бўлиб, хайвонларда аликентар йўл билан ем-хашак орқали юқади, одамларга тупроқда яланг оёқишлаганда, пахса (девар) урганда, кулолчиларда, дехқончилик ишлари химояланмаган йўл билан ишлаганда, очиқ жарохат орқали, куйдирги билан касалланган хайвонларни сўйиш, терисини шилиш, гўштини майдалаш, кала-поча ва ошқозон-ичакларини тозалаш жараёнларида юқади.



Хайвонларда куйдирги касаллиги жуда оғир кечиб, тана харорати тўсатдан 40-41 Сгача кўтарилади, ичакларидан қон кетади, холсизланиб ётиб қолади ва бу ҳолат ўлим билан якун топади.



Куйдирги касаллиги хайвонлардан-хайвонларга, хайвонлардан-одамларга юқади, лекин одамдан –одамга юқмайди.


КАСАЛЛИК ОДАМЛАРДА ҚАНДАЙ КЕЧАДИ?

-Одамларда касаллик асосан (98.0-99.0% холатларда) тери яраси (корбункул) шаклида наоён бўлади.

-Беморларда тана харорати кўтарилади.

-Куйдирги яраси оғриқсиз бўлади, яраинг устки қисми кўмир рангига ўхшаш қора пўмтлоқ билан қопланади, яра атрофи қизариб, шиш пайдо бўлади.

-Куйдирги яраси кўпинча баданнинг очиқ қисмларида (қўл, оёқ, юз, бўйин) учрайди.



КУЙДИРГИ КАСАЛЛИГИДАН САҚЛАНИШ УЧУН:

-чорва молларини ветеринар кўригидан ўтказиб, куйдирги касаллигига қарши эмлатиш;

-касал бўлган хайвонларни ветеринар рухсатисиз сўйилишига йўл қуймаслик, молларни фақат кушона ва сўйиш майдончаларида ветеринар кўригидан ўтказилгандан сўнг сўйиш;

-дуч келган жойлардан гўшт сотиб олмаслик, гўшни гўшт павилёнлари ва дўконлардан харид қилиш;

-ҳайвонларни парвариш қилишда шахсий гигиена қоидаларига қатъий риоя этиш;

-чорва моллари касалланганда, зудлик билан ветеринария хизмати идораларига мурожат қилиш керак.

